



Балхаш кўли ва Сирдарёнинг куйи окимларидан то Днепр дарёсининг куйи окимларигача бўлган улкан худуд XI асрдан бошлаб Дашти Кипчок деб атала бошланган. XIV аср бошлариданок бу ерда мавжуд бўлган Жўчи улуси икки мустакил давлатга Кўк Ўрда ва Ок Ўрдага бўлиниб кетди. XIV аср 60 йилларидан бошлаб Олтин Ўрда тахти учун Ичан, Шайбон ва Тўкай Темур авлодлари ўртасида кураш кучайиб кетди. 1360-1380 йиллар давомида Олтин Ўрда тахтига 25 хон келиб кетди.

XIV асрнинг 70 йилларида Олтин Ўрда ички курашлар янада кескинлашиб кетди. Бу курашда Шайбонийлардан Тулунбекахоним, Илбон, Алпхўжа, Арабшоҳ, Каонбеклар катта ўрин тутдилар. Олтин Ўрда тахти учун курашлар кучайиб, тушкунликка юз тутган бир вақтда Ок Ўрда давлати кучайиб борди. Бу ҳолатни биз Урусхон ва Тўхтамишлар ҳукумронлик қилган даврда кузатишимиз мумкин. 1380 йилда Ок Ўрданинг бирлаштирилиши Тўхтамишнинг Амир Темур томонидан қўллаб қувватланганлиги таъсирида амалга оширилган эди. Олтин Ўрда Амир Темур томонидан Тўхтамишга қарши курашлар давомида анча зайифлаштирилган бўлсада, Шодибек ҳукмронлик қилган даврда 1401-1407 яна кучая бошлади. Шу йилларда Олтин Ўрда Булгор, Хожитархон, Крим устидан яна ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 1406 йил Эдигей томонидан Хоразм босиб олинди. Бунга Темурийлар ўртасида кучайиб кетган тахт учун курашлар сабаб бўлган эди.

XV асрнинг 1чи чорагида Олтин Ўрдада ўзаро сиёсий курашлар яна кучайиб кетди. 1400-1417 йиллар давомида Олтин Ўрда тахтига ўтирган 8 та хон бирин-кетин тахтдан туширилди. (Шодибек, Пўлатхон, Темирхон, Жалолиддин Султон ва бошқалар).

XIV асрнинг 80 йилларидан бошлаб «ўзбек улуси» ёки «ўзбеклар вилояти» деб ном олган. Ок Ўрдада ҳам тахт учун курашлар кучайиб кетди. Бир неча 10 йиллар давомида тахт учун Тўхтамиш, Куйирчок ўғлон, Баракхон, Улугмухаммад қабилар кураш олиб бордилар. 1424-1425 йиллардан бошлаб эса бу курашларда Муҳаммадхон, Кичик Муҳаммад, Тўхтамишнинг ўғиллари Давлатберди ва Кепакхонлар асосий ўрин тутадилар. Дашти Кипчок узок вақт давом этган ана шу курашларда бошқа қабилалар билан бир қаторда Шайбон авлодлари ҳам фаол иштирок этдилар ва маълум бир мавқега эга бўлиб бордилар.

Ўзаро курашлардан кўп қийналган халқ учун тинчлик ниҳоятда зарур эди. 1427 йилда Алаша баходир ёрдамида хон этиб кўтарилган Абулхайрхон катта харбий куч тўплади ва 1428 йилда ўз улусига қайтиб, киёт, мангит, кўнгирот, дўрмон, қушчи, ўтарчи, найман, тубойи, тоймас, жот, корлик, ушун, курловут, эчки, тангут, ва бошқа қабилалар томонидан ҳам хон этиб кўтарилди. Бунда Абулхайрхонни 200 дан ортиқ уруг ва қабилалар

бошликлари кўллаб кувватладилар. 1428-29 йилларда кўчманчи ўзбеклар Жануби-/арбий Сибирдаги Тура шахрини кўлга киритдилар ва бу шахар 1446 йилгача Абулхайрхон давлатининг пойтахти бўлиб колди. Абулхайрхоннинг бу муваффақияти тезда бутун Дашти Кипчокка ёйилди ва кўпгина ўғлонлар ва султонлар Абулхайрхон хизматига ўта бошладилар. 1428-1431 йиллар давомида олиб борилган курашлар натижасида Абулхайрхон илгариги Шайбон улуси ерларини кайтадан бирлаштиришга эришди ва ўз давлатини Олтин Ўрда (Кўк Ўрда) дан мустақил деб эълон килди. 1431-1432 йилларда Абулхайрхон Хоразм устига юриш килди ва унинг шимолий кисмини темурийлардан тортиб олди. Бирок, бу ерда вабо таркалгач, Хоразмни ташлаб кетди. Бирок, манбаларда Абулхайрхоннинг Хоразмни ташлаб кетишига сабаб Шохрух томонидан кўшин юборилиши ва Хожитархон хони Орол денгизи атрофида кочиби юрган Кичик Мухаммаднинг ўгли Махмуд ва унинг укаси Ахмадхон Абулхайрхонга карши кураш бошлаб хавф деб кўрсатилади. (Абдураззок Самаркандий).

XV аср 40-йилларда Абулхайрхон Сигнок, Оккўргон, Аркук, Сўзок ва Ўзганд шахарларини эгаллади. 1448 йилда Самаркандни талади.

Бирок Абулхайрхон канчалик харакат килмасин, давлатда ягона, мутлок хукмдор бўлиб коллмади. Бунга айникса, Урусхон набиралари каттик каршилик кўрсатдилар. Абулхайрхон вафотидан сўнг (1469) эса, давлатда яна ўзаро курашлар авж олди ва кўчманчи ўзбеклар давлати ўзаро курашлар натижасида емирилди. Бу давлатнинг кайта бирлаштирилиши Абулхайрхоннинг набираси Мухаммад Шайбонийхон (1451-1510) номи билан боглик.

Мухаммад Шайбонийхон Абулхайрхоннинг ўгли Будок султоннинг ўгли эди. Отасидан етим колгач, Мухаммад Шайбонийхон укаси Махмуд Султон билан бирга Абулхайрхон тарбиясида бўлади. Кейинчалик темурий амирлардан бири, Туркистон хокими Мухаммад Мазид тархон хомийлигида бир канча вақт Туркистонда яшади. Туркистон урушлар гирдобида колган бир вақтда Шайбонийхон укаси билан Султон Ахмад Мирзо панохида Бухорода яшади ва илм олди. XV аср 90-йилларида Мухаммад Шайбонийхон Дашти Кипчокка борди ва сиёсий курашларга кўшилиб кетди. У бир неча йил давомида кураш олиб борди ва Тошкентдаги хукмдорлар ёрдамида Дашти Кипчокда мустахам ўрнашиб олди. Кейинчалик, Сайрам ва Яссини кўлга киритилгач, бутун Туркистонда хокимиятни кўлга киритди. 1498 йилда Султон Ахмад Мирзо вафотидан сўнг Самаркандга юриш килди, уни кўлга кирита олмагач, Каршига юриш килди ва Шахрисабз билан бирга талон-тарож этди. 1499 йилда Самаркандда килган юриши яна муваффақиятсизликка учрагач, Бухорога юриш килди ва уч кунлик камалдан сўнг уни кўлга киритди. 1500 йилда Мухаммад Шайбонийхон яна Самаркандга юриш килди ва уни босиб олиб, тўрт ой давомида талон килди. Бу Самаркандликларнинг Шайбонийхонга карши кўзголони сабаб бўлди ва улар 19 ёшли темурий шахзода-Захриддин Мухаммад Бобурни хон килиб кўтардилар. Бобур Карши ва Гузорни хам кўлга киритди. Бирок узок вақт таланган халкнинг ахволи жуда хам ночор эди. Огир ахволда колган Бобур кўшинлари Зарафшон бўйида Шайбонийхондан маглубиятга учради ва камалда колгандан сўнг яширинча Тошкентга чекинишга мажбур бўлди. Самаркандда, Бухоро ва Тошкентда ўз хукмронлигини кўлга киритгач, Шайбонийхон Хуросон юришига тайёргарлик кўра бошлади. Темурийлар гарчи шахзода Хусравшоҳ бошчилигида Шайбонийхонга карши бирлашган бўлсаларда, бу хеч кандай натижага олиб келмади. 1505 йил Урганч хам босиб олинди ва Хоразм Шайбонийхонга тобе бўлди. 1506 йил Хусайн Бойкаро вафотидан сўнг бошланган тахт учун курашлардан фойдаланган Шайбонийхон

темурийлардан Хиротни тортиб олди. Хирот босиб олинган 1507 йил бирин кетин Астробод ва Журжон ҳам босиб олинди ва Каспийдан Хитойгача, Сирдарё этагидан Афғонистоннинг марказий худудларигача бўлган ерлар Мухаммад Шохбахт Шайбонийхон хукмронлиги остига ўтди. Шайбонийхон хукмронлиги ўрнатилиши билан Мовароуннахрда узок вақт давом этган темурийлар ўртасидаги ўзаро тахт талашишларга чек қўйилди ва тинчлик ўрнатилди. Шайбонийхон сиёсий жихатдан марказлашган давлат туза олишга эриши билан ўзининг илм-фан ва адабиётга мойиллиги, бу соҳа вакилларини хурмат қилиши ва хомийлик қилиши билан катта хурматга сазовор бўлди.

Шайбонийхон қўлга киритилган худудларни бошқариш учун ўз яқинларига бўлиб берди. Бу ҳол марказий ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди ва 1510 йил Шайбонийхон Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан курашга кириш олдидан айниқса, яққол намоён бўлди. Ўз вақтида етиб келмаган қўшинлар оз сонли Шайбонийхон қўшинларининг (17000) Исмоил Сафавий қўшинлари (70000) томонидан Тахриробод мавзесида мағлуб этилиши ва Шайбонийхоннинг ўлдирилишига олиб келди.

1510 йил Шайбонийхон вафот этгач, шайбонийлар ўртасида ҳокимият учун курашлар авж олди. Айтилган вақтда Исмоил Сафавий ҳам шайбонийлар давлати ичкарасига ҳужум қилиб кириб келишга эришди. Шайбонийлар бу юришни тўхтатиш учун сулҳга рози бўлдилар ва Амударёнинг сул қиргоғидаги барча ерларни Эронга беришга мажбур бўлдилар.

1511 йилда Бобур ҳам ўз қўшинлари билан Амударёдан кечиб ўтиб, Хисор, Кулоб, Кундуз, Бадахшонни эгаллади. Сўнг Исмоил Сафавий ёрдамида Самарқандга юриш бошлади. Убайдулла Султон ва Темур Султонлар Туркистонга чекиндилар. Самарқандни қўлга киритган Бобур Исмоил номига хутба ўқитганидан норози бўлган халқ Бобурга қарши исён қўтарди ва бундан фойдаланган шайбонийлар Бобурни бу ердан хайдаб чиқардилар. Исмоилнинг Бобурга ёрдамга юборган Амир Аҳмад (Нажми соний) бошчилигидаги қўшинлари эса кириб ташланди (1512 й кузида) ва 1512 йил май ойида Самарқанд яна шайбонийлар қўлига ўтди.

Бобур эса Исмоил билан иттифоқини тузди ва 1525 йилда Хиндистонга юриш қилиб, у ерда Буюк Бобурийлар сулоласига асос солди.

Шайбонийхон вафотидан сўнг шайбонийлар давлати тахтини Қўчкинчихон (1510-1530) ва ўғли Абу Саъид бошқардилар (1530-1533).

Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон хукмронлиги йилларида (1533-1539) ҳокимият анча мустаҳкамланди. Пойтахт Самарқанддан Бухорога қўчирилди.

Убайдуллахон давлатни мустаҳкамлаш ва эронликларни мамлакат худудидан хайдаб чиқаришга катта эътибор берди. 1512 йил кузида у нажми соний устидан галаба қозонгач, катта ўлжага эга бўлган эди ва бу маблағни у Бухоро шайхулислари Мир Арабга топширди ва бу маблағларга машҳур Мир Араб мадрасаси қурилди. Шайбонийлар орасида энг катта таъсирга эга бўлган хукмдорлардан яна бири Абдуллахон II (1534-1598) эди. 1556 йил жўйбор шайхларидан Мухаммад Ислом ёрдамида тахтни эгаллаган Абдуллахон умрининг охиригача давлат худудларини кенгайтириш ва марказий ҳокимиятни кучайтириш, иқтисодий аҳволни ва давлатнинг ҳарбий қудратини юксалтириш борасида ҳаракат қилди. Абдуллахоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида XVI аср охириларида Бухоро хонлиги улкан марказлашган давлатга айланди. Бирок, Абдуллахон вафотидан сўнг хукмронлик қилган Абдулмўмин ва Пирмухаммадхонлар (1599-1601) давлатни бошқара олмадилар ва уларнинг ўлиmidан сўнг шайбонийлар сулоласи барҳам топди.

Шайбонийлар сулоласи:

1. Шайбонийхон ибн Абулхайрхон (1500-10)
2. Кучкунчихон ибн Абулхайрхон (1510-30)
3. Убайдуллахон ибн Махмуд Султон (1533-39)
4. Абдуллахон I ибн Кучкунчихон (1539-40)
5. Наврӯз Ахмад ибн Суюнчихон (1540-1552)
6. Пирмухаммад ибн Жонибек Султон (1556-61)
7. Искандар Султон ибн Жонибек Султон (1561-83)
8. Абдуллахон II ибн Искандар Султон (1583-98)
9. Абдулмўмин ибн Абдуллахон II (1598-99)
10. Пирмухаммад ибн Сулаймон Султон (1599-1601)

Шайбонийлар давлатида жамият ҳаётида, давлат бошқаруви тутган ўрни ва мавқеига асосан бир нечта ижтимоий табакалар мавжуд эди: хон ва унинг яқинларидан иборат олий табака, ҳарбий амалдорлар ёки умаро, йирик дин пешволари-шайхлар, ҳожалар, олимлар, шоирлар қабилалардан иборат фозиллар, раият яъни оддий фуқаро ва қисман қулла.

Шайбоний хонлари томонидан Мовароуннахрда бир қатор соҳаларда ислохотлар амалга оширилди. Бу ислохотлар қисман ижобий натижалар берса, айримлари давлатнинг заифлашувига оқибатларга олиб келди. Шайбонийхон томонидан жорий этилган суюрғол тизими энг яхши хизмат кўрсатган ва Шайбонийхонга яқин бўлган амалдорлар ёки хон хонадони вакилларига турли вилоятлар устидан ҳукмронлик қилишга имкон берсада, бироқ улар марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилдилар ва оқибатда бу ҳол ички қурашларни келтириб чиқарди. Бу салбий ҳолат Шайбонийхон Исмоил Сафавийдан мағлубиятга учрашида ҳам таъсир кўрсатган эди. Шунингдек, Шайбонийхон ер эгаллиги ва ер-сув соҳасида 1507 йилда пул ислохоти ва кейинчалик таълим соҳасида ҳам ислохотлар ўтказган эди.

Таълим ислохотида кўра таълим кўп босқичли этиб белгиланди. Бунга кўра болалар 6 ёшда мактабга, 8 ёшда мадрасага ўқишга ўтганлар. Мадрасада ўқиш уч босқичли бўлиб, ҳар бир босқич 8 йилдан давом этган. Шайбонийлардан Кучкунчихон (1515) ва Абдуллахонлар ҳам пул ислохоти ўтказдилар ва бу мамлакатдаги иқтисодий аҳволни яхшилашга олиб келди.

Шайбонийларда ҳам иқтисодиётнинг асосини кишлок ҳўжалиги, савдо-сотик, хунармандчилик ташкил этарди. Мамлакатнинг асосий бойлиги ер бўлиб, унга эгаллик шакли қуйидагилардан иборат эди:

1. Мулки султоний-давлатга қарашли ерлар.
2. Мулки холис-хусусий шахсларга қарашли ерлар.
3. Вақф-диний маҳкамаларга қарашли ерлар.
4. Кишлоқ жамоалари эгаллик қиладиган ерлар.

Дехқончилик асосан лалмикор ва обикор-сугориладиган ерларда бўлган. Бугдойнинг ўн икки нави етиштирилган ва бошқа анъанавий экинлар экилган. Дехқончилик учун қулай бўлган ва ҳосилдор ерлар йирик амалдорлар ва ҳарбийлар ҳамда дин пешволарига қарашли бўлган. Шайбонийлар давлати ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан Жўйбор ҳожаларай катта таъсирга эга эди. Улар сиёсий ҳокимият бошқарув ишларига таъсир кўрсатиш билан бирга катта ер мулкларига ҳам эгаллик қилардилар. Шайбонийлар даврида амалга оширилган ислохотлардан бири

каровсиз ётган ерларни ўзлаштиришга ҳам қаратилган эди. Чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Хунармандчиликнинг 60 дан ошди тури мавжуд бўлган. Ички савдога катта эътибор берилган. Ташки савдода Туркия, Эрон, Хиндистон, Россия, Хитой каби давлатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. 1588 йилда Бухорода бўлган инглиз сайёҳи Антони Женкинсон ҳам ўз маълумотларида Бухоро шаҳрида ҳар йили йирик савдогарлар курултойи бўлиши, бу ерга Хиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа мамлакатлардан катта-катта савдо қарвонлари келишини ёзиб қолдирган эди. Шайбонийлар давлатида 40 дан ортиқ солиқ ва тўловлар мавжуд бўлган. Асосий солиқ турлари хирож ва закот бўлган.

Адабиётлар:

1. Каримов.И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Шарқ.1998.
2. Аҳмедов. Б. Ўзбек улуси Т. Мерос. 1991.
3. Аҳмедов.Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т. Ўқитувчи. 1991.
4. Ўзбекистон тарихи 2 жилд .Т. Фан. 1994.
3. Хофиз Таниш Бухорий. «Абдуллонома». 1 ва 2 жилдлар.Т. Шарқ. 1999. 2000.